



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2015 йил 4 сентябрь, № 173 (6356)


Жума

Сайтмига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТИНЧЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА ҲАМКОРЛИК

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг таклифига биноан 2-3 сентябрь кунлари ташриф билан Пекин шаҳрида бўлди.



“ПолиТехноложи” компанияси билан ҳамкорликда Ангренда автомобиль ва қишлоқ хўжалиги техникаси учун шиналар ҳамда конвейер лентаси ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда.

“Ўзбекистон — Хитой” ҳамда “Хитой Халқ Республикаси — Марказий Осиё мамлакатлари” дўстлик жамиятлари ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда.

Фан-техника муассасалари ўртасида илмий ҳамкорлик, олий ўқув юрталари орасида талабалар алмасuvi кенгаймоқда. Хитойда ўзбек тили, Ўзбекистонда хитой тили ўргатилмоқда. Мамлакатларимизда ўзаро маданий мулоқотни мустаҳкамлашга қаратилган кино кунлари, бадий кўргазмалар, фестиваллар ўтказилмоқда.

Пекинда ўтган олий даражадаги мулоқот чоғида томонлар ўзаро ҳамкорликнинг бугунги ҳолати, уни янада ривожлантириш истиқболларини атрафлича муҳокама қилдилар, ўзларини қизиқтирган минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Хитой Халқ Республикасига ташрифи доирасида 3 сентябрь куни ХХР Давлат кенгаши Бош вазири Ли Кэцян билан учрашди.

Сўхбат чоғида Президент Ислоҳ Каримовнинг ушбу ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, ўзаро стратегик шериклик муносабатларини изчил мустаҳкамлашга хизмат қилиши қайд этилди.

Томонлар олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш, савдо-иқтисодий, сармоявий, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни хар томонлама ривожлантириш масалалари юзасидан атрафлича фикр алмашдилар.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг Хитой Халқ Республикасига ташрифи ниҳоятда муваффақиятли бўлди. Давлатимиз раҳбарининг Иккинчи жаҳон уруши қурбонлари хотирасига ҳурмат бажо келтиргани хайрли қадам, Хитой раҳбарияти билан самарали музокарали халқларимиз манфаатлари йўлидаги муҳим амалий тадбир бўлди.

Анвар САМАДОВ,
ЎЗА махсус мухбири
Тошкент — Пекин — Тошкент

Альпо АБДУЛЛАЕВ олган сурат.

Давлатимиз раҳбари 3 сентябрь куни Пекин шаҳрида Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Гала-банинг 70 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали маросимларда иштирок этди.

Хитой халқи ўша йиллардаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий қийинчиликларга қарамай мардондор курашиб, Иккинчи жаҳон урушининг хур фикрли инсоният фойдасига яқунлаштиришга улкан ҳисса қўшган.

Пекин шаҳридаги Тяньаньмэнь майдонида ушбу галабанинг 70 йиллигига бағишлаб ўтказилган ҳарбий парад умумбашарий аҳамият касб этди. Унда ўттизга яқин мамлакатдан давлат ва ҳукумат раҳбарлари, БМТ, ШХТ каби

халқаро тузилмалар раҳбарлари қатнашди.

Ҳарбий парад ўтказишдан кўзланган асосий мақсад халқлар озодлиги йўлида жон фидо қилган инсонлар хотирасига ҳурмат бажо келтириш, дунёда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашда ҳамкорликни кучайтириш, ёш авлод қалбида тинчликни қадрлаш туйғуларини шакллантиришдир.

Давлатимиз раҳбарининг Пекинда ўтказилган тантанали маросимларда иштирок этиши мамлакатимизнинг дунёда тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлашга интилиши, шу билан бирга, Ўзбекистон ва Хитой халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликнинг ёрқин ифодаси бўлди.

Ташриф асносида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин билан учрашди.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги стратегик шериклик муносабатлари тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Сиёсат, иқтисодиёт, савдо, sanoat, молия, қурилиш, илм-фан, таълим, маданият соҳаларидаги кенг қўламли ҳамкорлик изчил ривожланмоқда.

Хитой Ўзбекистоннинг энг йирик савдо-иқтисодий ва сармоявий шерикларидан биридир. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми изчил ўсиб бораётир. Хусусан, 2014 йилда бу кўрсаткич 4,7 миллиард АҚШ долларига етган. Жорий йилнинг биринчи ярмида ўзаро савдо айланмаси 11,7 фоиз ўсган.

Мамлакатимизда хитойлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда тузилган 582 корхона фаолият юритмоқда. Уларнинг саксондан зиёди тўлалигича Хитой инвестициялари ҳисобига ташкил этилган. Юртимизда Хитойнинг етмишдан ортиқ компанияси ўз ваколатхонасини очган.

2013 йилда ташкил этилган Ўзбекистон — Хитой юқори технологиялар саноат парки — “Жиззах” махсус индустриал зонасида мобил телефонлар, тикув машиналари, қурилиш материаллари, қуёш коллекторлари ва бошқа махсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти ва Хитойнинг China Railway Tunnel Group компанияси

ҳамкорлигида қуриляётган Ангрен — Поп темир йўли Ўзбекистон билан Хитой ўртасида энг қисқа темир йўл тармоғининг аҳамият жиҳатидан муҳим бўғинига айланади. Бу мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг янада кенгайишига хизмат қилади.

Хитой Миллий нефть-газ корпорацияси (СNPC) мамлакатимиздаги углеводород конларини қидириш ва қазиш ишларида фаол иштирок этмоқда. Ўрта Осиё — Хитой газ қувури қувватларини ошириш, Хитойга узлуксиз табиий газ етказиб бериши таъминлаш, Муборак газ-кимё мажмуасида табиий газни чуқур қайта ишлаш бўйича ҳамкорликда иш олиб боришмоқда.

САМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимиз мустақиллигининг 24 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, таниқли жамоат арбоблари ва ишбилармон доира вакилларидан самимий қутловлар келиб турибди. Уларда давлатимиз раҳбарига бахт-саодат, омонлик ва муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик, раванқ ҳамда фаровонлик тилаб, чин дилдан эзгу истаклар изҳор этилган.

Куйидагилар ўз табрикларини йўллаган:

- Бирлашган Араб Амириклари Президенти — **Халифа бин Зоид Ол Наҳаён**
- Бирлашган Араб Амириклари Вице-президенти, Бош вазири, Дубай Амирлиги ҳокими — **Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум**
- Абу-Даби Амирлиги Валиаҳди, Бирлашган Араб Амириклари Куролли кучлари бош қўмондонни ўринбосари — **Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён**
- Қатар Давлати Амири — **Тамим бин Ҳамад Ол Соний**
- Қатар Давлати Бош вазири, ички ишлар вазири — **Абдуллоҳ бин Носир бин Халифа Ол Соний**
- Қатар Давлати Валиаҳди — **Абдуллоҳ бин Ҳамад Ол Соний**
- Бруней-Доруссалом Султони — **Ҳожи Ҳасанал Болкиях**
- Мексика Қўшма Штатлари Президенти — **Энрике Пенья Ньето**
- Австрия Республикаси Федерал Президенти — **Хайнц Фишер**
- Грузия Президенти — **Георгий Маргвелашвили**
- Филиппин Республикаси Президенти — **Бениньо Акино**
- Шри-Ланка Демократик Социалистик Республикаси Президенти — **Майтрипала Сирисена**
- Фаластин Давлати Президенти, Фаластин озодлик ташкилоти Ижроия қўмитаси раиси — **Маҳмуд Аббос**
- Туркия Республикаси Бош вазири — **Аҳмет Довутўғли**
- Ислоҳ тараққиёт банки президенти — **Аҳмад Муҳаммад Али**
- Энергетика Хартияси Бош котиви — **Урбан Руснак**
- Америка — Ўзбекистон савдо палатаси раиси — **Кэрولين Лэм**
- Америка — Ўзбекистон савдо палатаси президенти — **Стивен Надерни**
- Давлатлараро авиация қўмитаси раиси — **Татьяна Анодина**

Қутловлар келиши давом этмоқда.

МУНОСАБАТ

Ҳаётдан розилик, бугунги тинч ва осуда кунлар учун шукрона, эртанги кунга бўлган мустаҳкам ишонч инсон умрининг мазмунини белгилайди, десак, айни ҳақиқатдир. Бунни биз, хотин-қизлар учун истиқлол йилларида яратилган кенг имкониятлару мисли қўрилмаган шарт-шароитлар мисолида янада теранроқ ҳис этиш қийин эмас.

Ҳаётдан розилик туйғуси аёл учун бахтдир

Президентимизнинг мамлакатимиз мустақиллигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги сўзида хотин-қизларга яна бир бор юксак даражада эҳтиром қўради, ўзбек аёлларини дунёдаги энг гўзал, мунис деб таърифлагани, хар биримизнинг ҳаётимизни эзгулик ва меҳр нури билан чароғон этиб келаятган оналаримиз ва опа-сингилларимиз олдида бош

эгишга, уларни олқиш-лашга чорлаганлари барчани жудаям тўқинлан-тириб юборди.

Истиқлол шарофати билан бугун аёллар жамиятининг барча жаба-ҳасида эркаклар билан тенгма-тенг фаолият кўрсатиб, мамлакатимиз тараққиётига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқдалар. Жамиятни демократлаштириш ва мамлакатни модернизация қилиш стратегияси асосида ўтган

йилларда хотин-қизларимизнинг юртимиз тараққиётидаги ролини, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ўз қобилиятларини юзага чиқаришлари учун кенг шарт-шароитлар яратиш, аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш ҳамда оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган тизимли ишлар амалга оширилди.

(Давоми 2-бетда).

Нодавлат нотижорат ташкилотлари қўллаб-қувватланмоқда

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди маблагларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари, Сенат аъзолари, вазирлик ва идоралар, фуқаролик институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда нодавлат нотижорат ташкилотлари жамиятда демократик қадриятларни қарор топширишда, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутмоқда. Улар умумдавлат аҳамиятига молик дастурлар ижросини таъминлашга муносиб улуш қўшиб, аҳолининг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фаоллигини кучайтириш, бандлик кўрсаткичларини ошириш, атраф-муҳитни муҳофаза қилиш, ёшлар таълим-тарбияси, ёлғиз

кексалар, ногиронлар ва бошқа эҳтиёж-манд қатлам вакилларини қўллаб-қувватлаш каби долзарб йўналишларда самарали лойиҳаларни рўёбга чиқараётир.

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаятган 8 мингдан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари илғор гоё ва ташаббусларини илгари суриш баробарида давлат бошқаруви органлари томонидан муҳим қарорларни қабул қилишда, қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда ҳаётга татбиқ этишда фаолият кўрсатишда, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини олиб бораётти.

(Давоми 2-бетда).



Жаҳон пахта бозорининг Тошкент форуми

Ўзбек толасининг экспорт ҳажмини ошириш, ҳамкорлар сафини кенгайтиришга хизмат қилади

Шу йилнинг 15-16 октябрь кунлари Тошкентда XI Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси бўлиб ўтади.

Президентимиз Ислоҳ Каримов ташаббуси билан асос солиниб, анъанавий равишда ўтказиб келинаётган мазкур йирик форум ўзбек толасининг экспортини янада ошириш, ҳамкорлар сафини кенгайтириш, энг асосийси, янги бозор йўлақла-

рини очишда муҳим восита бўлмоқда. Натижада ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчилар ва хорижий харидорлар ўртасида иқтисодий алоқалар йил сайин мустаҳкамланиб бораётти. Тадбирда иштирок этаётган давлатлар жуғрофияси ҳам, ташриф

бурувчиларнинг сони ҳам ортаётгани ана шундан далolat беради. Масалан, 2005 йилги пахта ярмаркасида жаҳоннинг 30 давлатидан саноат ва савдо компанияларининг 170 вакили иштирок этган бўлса, ўтган йили 50 га яқин мамлакатдан мингдан ортиқ компания ва фирмалар вакиллари қатнашди. Яқунда заминимизда етиштирилган 580 минг тонна пахта толаси ва умумий қиймати 1 миллиард

АҚШ долларидан зиёд бўлган тўқимачилик махсулотлари етказиб бериш бўйича шартномалар тузилди. Дарҳақиқат, мамлакатимиз пахта етиштириш ва уни экспорт қилиш бўйича дунёда етакчилардан бири ҳисобланади. Соҳа мутахассислари бунинг энг аввало, толамизнинг сифат кўрсаткичлари юқорилиги, айни чоғда тўғри экспорт сиёсати юритилаётгани билан изоҳлашмоқда.

Чунки жаҳон пахта бозорининг асосий иштирокчисига айланган Ўзбекистонда барча харидорларга тенг имконият бериляётгани, сифатли хом ашё етиштириш, уни қайта ишлаш ва етказиб бериш бўйича ўзига хос қулай тизим яратилгани муваффақиятларни янада мустаҳкамляётир.

(Давоми 2-бетда).

ЭЪТИРОФ



Буюк Ипак йўлининг марказида жойлашган юртимиз тарихий қадимжолари кўпчилиги бўйича дунёдаги етакчи ўн мамлакат қаторида туради.

Халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхона-ларимиз хазинасида сақланаётган минг-минглаб кўлэмалар, уларда мужассамлашган турли соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар бизнинг қанчалар буюк маънавий бойликка эга эканлигимизнинг яққол ифодасидир.

Ўзбекистон — дунё нигоҳида

“Евроњьюс” телеканали орқали эфирга узатилаётган, мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳиятига бағишланган лавҳани 155 давлатда 370 миллиондан ортиқ томошабин кузатиб бормоқда.

Қадимий ва гўзал дёримиз нафақат Шарқ, балки жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини эндиликда халқаро жамоатчилик тан олмақда ҳамда эътироф этмоқда.

Рида Президентимиз раҳнамолигида тарихий-маданий обидаларни асраб-авайлаш, туризм индустриясини ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор самараларидир.

Лаяпти. Жумладан, дунёга машҳур “Евроњьюс” телеканали билан 2013 йилда йўлга қўйилган ҳамкорлик доирасида мамлакатимиз бой тарихи, бугунги кунда шаҳару кишлоқларимизда рўй бераётган улкан ўзгаришлар, янгилаштирилган ҳақида кўрсатув ва репортажлар, турли лавҳалар намойиш этиб келинмоқда.



нинг тарихини чуқурроқ ўрганишга, зиёрат қилишга ошқоқди. Бинобарин, АҚШнинг халқаро доираларда тан олинган ва катта нуфузга эга бўлган интернет нашрларидан бири Самарқандни “Дунёнинг албатта бориб қўриш керак бўлган элликта шаҳри” рўйхатига киритгани ҳам бежиз эмас.

лик муҳити, меҳмондўст халқимизнинг самимий муносабати. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг тарихий-маданий ёдгорликлари, туризм имкониятлари билан халқаро ҳамжамиятни янада кенгроқ таништириш мақсадида “Ўзбекиризм” миллий компанияси томонидан қатор чоратadbирлар амалга ошири-

муваффақият билан ўтказилган ва жаҳон аҳли эътиборини жалб қилган “Шарқ тароналари” ўзиничи халқаро мусиқа фестивалига бағишланган репортаж ҳам кўрсатила бошланди.

Муваффақият билан ўтказилган ва жаҳон аҳли эътиборини жалб қилган “Шарқ тароналари” ўзиничи халқаро мусиқа фестивалига бағишланган репортаж ҳам кўрсатила бошланди.

«КОР ТАРМОҚИ КО'СНМАС МУЛК САВДО» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар такронан қўйилмоқда: I. Тошкент шаҳар Бектемир тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар Ҳўжалик судининг 2015 йил 3 мартдаги 10-1510/394-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Оҳангарон шохқўчаси, 154, 155, 169, 170-уйларда жойлашган, фойдаланиш майдони 331,13 кв.м., тураржой майдони 163,39 кв.м.дан иборат бўлган уй-жой.

2013 йил 23 августдаги 2-88-13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Чилонзор Оқтепа (собик Есенин) кўчаси, 15-уйда жойлашган, фойдаланиш майдони 57,73 кв.м., тураржой майдони 41,23 кв.м., 3 та хонадан иборат бўлган 6-хонадон.

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 967. 75 392 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Маҳаллада соғломлаштириш маркази



Кўргонтепа туманидаги Файрат маҳалласида спорт-соғломлаштириш маркази иш бошлади. Ушбу лойиҳа рўёбига 200 миллион сўм йўналтирилди.



майдон бунёд этилиб, ёзги саҳна қурилди. Бу ерда ҳафтанинг ҳар шанба кунлари ёшлар учун маданий-маърифий кечалар уюштирилади.

ИЗЛАНИШ

Сайхунобод туманидаги “Аҳад Мадлен файз” фермер хўжалиги сув ҳавзаларида уч турдаги балиқ парваришланмоқда.

Балиқчиликда самарали усул — Уларни аралаш ҳолда боқилиши самарали ҳижатлари кўп, — дейди хўжалик раҳбари Аҳад Мўмино. — Масалан, оқ амур табиий ўтларнинг пая қисми билан озикланади.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Фармацевтика фаолияти билан шугулланувчи ишлаб чиқарувчи корхоналар, фирма ва компаниялар диққатига!

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ БОШҚАРМАСИ

кишлоқ врачлик пунктлари учун зарурий дори воситалари, тиббий ашёлар ва реактивларни марказлашган асосда сотиб олишга

РЕТЕНДЕР (ТАНЛОВ) САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Ретендер (танлов)да қўйиладиган шартларни бажарган, тендер асосида харид қилинадиган маҳсулотнинг тегишли ҳажмини етказиб бериш тажрибасига эга бўлган фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар ва улғуржи ташкилотлар қатнашиши мумкин.

«VIP REAL ESTATE» МЧЖ аукцион савдоларига таклиф этади.

2015 йил 22 сентябрь куни соат 12.00 да мулк бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига ФИБ Оҳангарон тумани судининг 2015 йил 20 мартдаги 1-5267-15-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани СИБ томонидан хатланган, Тошкент вилояти, Оҳангарон шаҳри, Холмуҳамедов кўчасида жойлашган, 0001-литер — чойхона биноси, 0002-литер — ошхона, 0003-литер — музқаймоқ дўкони биноси, 0004-литер — новвойхона биноси такронан қўйилмоқда.

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ очик аукцион савдосига таклиф этади.

«Capital realtor group» МЧЖ Фарғона филиалида 2015 йил 7 октябрь куни соат 14.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига Учкўприк тумани СИБ томонидан ФВХСнинг 2014 йил 23 июндаги 15-14-07/5708-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Учкўприк тумани, «Учкўприк» ҚФЙ, Зигир кишлоғида жойлашган, қурилиш ости майдони 204,86 кв.м., фойдаланиш майдони 126,96 кв.м. бўлган, 0001-0004-литерлардаги маъмурий бино, тиквечилик цехи ва омборхона бино-иншоотлари қўйилмоқда.

Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. Тахририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас. Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳфаланди.